



**O'zbekiston Respublikasi  
Qurilish va Uy-Joy Kommunal Xo'jaligi vazirining  
Buyrug'i**

2023-yil. "24"-yanvar

**8-son**

**"Loyiha bosh muhandisi (bos arxitektor) qoidalari" ma'lumotnomasini  
tasdiqlash to'g'risida**

O'zbekiston Respublikasi Shaharsozlik kodeksi hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 6-oktabrdagi 577-sun "Qurilish sohasiga oid talablarni soddalashtirish hamda texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarni tizimlashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

- 1."Loyiha bosh muhandisi (bos arxitektor) qoidalari" ma'lumotnomasi ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. O'zbekiston Respublikasi davlat arxitektura va qurilish qo'mitasi raisining 1996-yil 13-avgustdagagi 65-sun buyrug'i bilan tasdiqlangan QMQ 1.03.09-97 "Loyiha bosh muhandisi (bos arxitektori) haqida nizom" qurilish me'yorlari va qoidalari o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.
3. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Uy-joy communal xizmat ko'rsatish vazirligi, Ekologiya va atrof-muhitni muhofoza qilish davlat qo'mitasi hamda Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi huzuridagi O'zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi bilan kelishilgan.

**Vazir**



**B. Zakirov**

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазирининг 2023 йил  
24 январдаги 8-сон буйруғига  
**ИЛОВА**

## **“Лойиха бош муҳандиси (бош архитектор) қоидалари” бўйича маълумотнома**

Ушбу маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 октябрдаги “Қурилиш соҳасига оид талабларни соддалаштириш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хўжжатларни тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти 577-сонли қарорига мувофиқ шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини замонавий халқаро стандартлар билан уйғунлаштирган ҳолда тизимлаштириш, қурилиш соҳасида инновацион лойиҳавий ечимлар ва замонавий илмий-техник ишланмаларни қўллаш имкониятини кенгайтириш орқали соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш, фуқаровий, тураг жой бинолари ва иншоотларининг янги қурилишини ва реконструкциясини, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, таъмирлаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни (кейинги ўринларда қурилиш обьектлари деб юритилади) лойиҳалаштириш, шунингдек шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш учун шаҳарсозлик хўжжатларини (кейинги ўринларда лойиҳа хўжжатлари деб юритилади) ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа бош муҳандиси (бош архитектори)нинг фаолияти функцияларини ҳамда уларнинг касбий малакасига талабларни белгилаш мақсадида ишлаб чиқилди.

### **1-боб. Умумий ҳолатлар**

1. Лойиҳа бош муҳандиси (бош архитектори) лойиҳа хўжжатларни ишлаб чиқиш ва лойиҳа-қидирув ишларини ташкил этиш, обьектни қуриш, қурилиши тугалланган обьектни фойдаланишга қабул қилиш ва ишга туширишнинг бутун даврида техник жиҳатдан раҳбарлик қилиш учун лойиҳа ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан, ташкилотининг энг малакали мутахассислари орасидан тайинланади.

Ноёб обьектлар учун ҳамда фуқаровий ва тураг жой обьектлари қурилиш учун индивидуал лойиҳаларни ишлаб чиқишида, шунингдек шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ривожланишини режалаштириш ва ҳудудини қуриш тўғрисида шаҳарсозлик хўжжатларини ишлаб чиқишида лойиҳа бош архитектори тайинланади.

Йирик ва мураккаб обьектларни ёки шаҳар миқёсида архитектура-шаҳарсозлик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган корхона, бино ва иншоотларни лойиҳалашда лойиҳа бош архитектори ва лойиҳа бош муҳандисини тайинланиши мумкин. Бунда етакчилик роли улардан бирига юклатилади.

Йирик ва муҳим обьектларни лойиҳалашда, зарур бўлганда, лойиҳа бош муҳандиси ўринбосари ҳам тайинланиши мумкин.

## **2-боб. Лойиҳа бош муҳандиси (бош архитектори) фалияти тўғрисида умумий маълумотлар**

2. Лойиҳа бош муҳандиси (бош архитектори) фалияти қуидагилардан иборат:

- фаолият турининг – лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш;
- фаолиятининг асосий мақсади – лойиҳа хужжатлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш;
- фаолият гурӯҳи – саноат-фуқаролик қурилиши бўйича муҳандис (мутахассис);
- иқтисодий фаолият тури – муҳандислик-техник лойиҳалаш, қурилиш лойиҳаларини бошқариш, қурилиш назорати, муаллифлик назорати.

## **3-боб. Лойиҳа бош муҳандиси (бош архитектори)га умумий талаблар**

3. Лойиҳа бош муҳандиси (бош архитектори)га қуидаги асосий талаблар белгиланади:

- маълумоти бўйича талаблар – олий, асосий фаолият бўйича;
- иш тажрибаси бўйича талаблар – лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш фаолияти билан шуғилланувчи ташкилотларда муҳандислик лавозимларда уч йилдан кам бўлмаган;
- ишга тайинлаш бўйича алоҳида шартлар – ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича, шунингдек иш жойида меҳнат хавфсизлиги бўйича инструктаждан ўтиш;
- мумкин бўлган лавозимлар – лойиҳа бош муҳандиси (loyiҳa хужжатларини ишлаб чиқишини ташкил этиш бўйича мутахассис), лойиҳа бош архитектори, конструкторлик бюроси мудири, бригада (гурух) бошлиғи (раҳбари);
- бошқа тавсифлар – қўшимча касбий таълим – фаолият йўналиши бўйича малака ошириш дастури – камида уч йилда бир маротаба.

## **4-боб. Лойиҳа бош муҳандиси (бош архитектори) асосий функциялари**

4. Лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнларини ташкил этишда қуидаги функцияларни бажаради:

- объектлар қурилишини лойиҳалаш учун дастлабки рухсат берувчи хужжатлар рўйхатини ва таркибини буюртмачилар билан келишиш ҳамда лойиҳа ишларини бажариш учун шартномаларни тайёрлаш;
- объектлар қурилиши учун ташкилий-маъмурий хужжатларни тайёрлаш;
- объектлар қурилиши учун лойиҳа ва ишчи лойиҳа хужжатлари ҳамда уларнинг бўлимлари ишлаб чиқилишини назорат қилиш.

5. Лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнларини бошқаришда қуидаги функцияларни бажаради:

- лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнларини ташкил этиш;
- лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнларини бошқариш.

## **5-боб. Фаолият функциялари**

### **1-§. Лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш учун дастлабки рухсат берувчи хужжатлар рўйхатини шакллантириш. Лойиҳа ишларини бажариш учун шартномани тайёрлаш**

#### **6. Фаолият функциялари:**

- лойиҳа хужжатларни ишлаб чиқиш бўйича лойиҳалаш топширигини ва лойиҳа қидирув ишлари бўйича пудрат шартномасини келишиш;
- муҳандислик тармоқларга уланиш учун зарур техник шартлар рўйхатини шакллантириш ва улардаги маълумотларнинг етарлилигини текшириш;
- муҳандислик-техник қидирувларини бажариш учун техник топшириқлар ва дастурларни буюртмачи билан келишиш, уларга ўзгартириш киритиш;
- илмий-техник қузатув, техник ҳолати мониторинги, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш учун техник топшириқлар ва дастурларни буюртмачи билан келишиш, уларга ўзгартириш киритиш;
- маҳсус техник шартларни ишлаб чиқиш учун техник топшириқларнинг таркиби ва мазмуни бўйича таклифларни тайёрлаш;
- буюртмачи томонидан қурилиш обьектини лойиҳалаш учун дастлабки маълумотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилишини назорат қилиш;
- лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиша фойдаланиладиган норматив-хукукий хужжатлар ҳамда шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатидан тартибга солишга доир норматив хужжатлар рўйхатини шакллантириш.

#### **7. Малака даражасига талаблар:**

- лойиҳалаш ишларининг муддатини ва қийматини асослаш;
- буюртмачи билан келишилган ҳолда қурилиш обьектининг синфи ва масъуллик даражасини, шунингдек идентификация қилиш хусусиятларини белгилаш;
- қурилишнинг тури ва типини аниқлаш;
- бино ва иншоотларни бузиш ёки сақлаб қолиш, дов-дараҳтларни кесиш ёки сақлаш, шунингдек, муҳандислик тармоқларни ва коммуникацияларни кўчириш заруратини асослаш;
- муҳандислик тармоқларга уланиш учун зарур техник шартлар рўйхатини аниқлаш ва улардаги маълумотларнинг етарлилигини текшириш;
- лойиҳа хужжатларининг бўлимлари, ишчи чизмаларининг асосий тўпламлари, маълумотлар ва илова қилинадиган хужжатлар рўйхатини аниқлаш;
- қурилиш обьектларининг хусусиятларига мувоғик лойиҳалаш учун зарур дастлабки маълумотлар ва рухсат берувчи хужжатлар рўйхатини аниқлаш;
- лойиҳа хужжатини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган норматив-хукукий хужжатлар ва шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив хужжатлар рўйхатини белгилаш;
- ахборот модели шаклида тақдим этилган қурилиш обьектининг лойиҳа маълумотларини таҳлил қилиш;
- ишчи музокараларини олиб бориш усуулларини танлаш.

#### **8. Билим даражасига талаблар:**

- норматив-хукукий ҳужжатлар ва шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар;
- қурилиш соҳасида стандартлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш тизими;
- лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиши учун зарур бўлган дастлабки маълумотлар ва рухсат берувчи ҳужжатлар рўйхати;
- қурилиш учун лойиҳа ҳужжатлари тизими;
- лойиҳа ва ишчи ҳужжатларга бўлган асосий талаблар;
- қурилиш обьектини лойиҳалаш учун лойиҳалаш топшириғи таркиби, шакли ва келишиш тартиби;
- қурилиш обьектларини улардан фойдаланиш мақсадлари ҳамда функционал ва технологик хусусиятларига кўра таснифлаш;
- қурилиш лойиҳалари (курилиш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш) учун лойиҳа ва ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқариш муддатлари меъёrlари;
- лойиҳалаштирилаётган қурилиш (курилиш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш) обьектлар учун меъёрий кўrsatkiчlar;
- лойиҳалаш ишлари бўйича пудрат шартномаларини тайёрлаш ва расмийлаштириш тартиби;
- илмий-техник кузатув, техник ҳолати мониторинги, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини буюртмачи билан келишиш, амалга ошириш ва уларга ўзгартириш киритиш тартиби;
- маҳсус техник шартларни ишлаб чиқиши учун техник топширқлар таркиби ва мазмуни бўйича таклифларни тайёрлаш ва буюртмачи билан келишиш тартиби;
- норматив-хукукий ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатларга мувофиқ муҳандислик тармоқларга уланиш ва уларни сақлаш бўйича техник шартлар рўйхатига талаблар;
- қурилиш обьекти учун лойиҳа ҳужжатларининг матнли ва график қисмларини ишлаб чиқиши ва расмийлаштириш ҳамда ахборот моделини шакллантириш қоидалари;
- қурилиш обьектининг ахборот моделини шакллантириш ва юритиш мақсадлари, вазифалари ва тамойиллари;
- қурилиш обьектининг ахборот моделини шакллантириш ва юритишда дастурий ва техник таъминоти воситалардан фойдаланиш тамойиллари, алгоритмлари ва стандартлари;
- ишчи музокаралар ва хизмат ёзишмаларини юритиш тамойиллари ва қоидалари;
- лойиҳа ташкилотининг сифат назорати (менеджмент) тизимининг қоидалари ва стандартлари.

## **2-§. Қурилиш лойиҳалари учун ташкилий-маъмурий ҳужжатларни тайёрлаш**

### **9. Фаолият функциялари:**

- лойиҳа ҳужжатини чиқариш жадвалини тузиш;
- лойиҳа ҳужжатининг қисмларини ишлаб чиқувчи мутахассислар таркиби бўйича таклифларни тайёрлаш;
- лойиҳа ва ишчи ҳужжатларининг бўлим ва қисмларини ишлаб чиқувчи мутахассислар ўртасида иш ҳажмини тақсимлаш ва тасдиқлаш;
- субпудратчиларга топшириладиган лойиҳалаш ишларни бажариш учун лойиҳалаш топшириқларни тузиш ва зарур дастлабки маълумотларни тақдим этиш.

**10. Малака даражасига талаблар:**

- вақт мөйерлари, қурилиш объектларининг ҳусусиятлари ва лойиҳалаш учун дастлабки маълумотларга кўра лойиҳа ва ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқиши муддатларини бўлгилаш;
- лойиҳа ва ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқувчилар таркибини аниқлаш;
- лойиҳа ва ишчи ҳужжатларнинг бўлим ва қисмлари бўйича лойиҳалаш топшириклари таркибини ва рўйхатини белгилаш;
- субпудратчи лойиҳа ташкилотларини жалб қилиш заруратини аниқлаш ва уларга юкланган ишларни бажариш учун техник топшириқ таркибини ва ҳажмини аниқлаш;
- қурилиш обьектигининг ахборот моделини шакллантириш ва юритишнинг батафсиллик даражасини, муддатини ва босқичларини аниқлаш.

**11. Билим даражасига талаблар:**

- норматив-ҳукукий ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар;
- қурилиш соҳасида стандартлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш тизими;
- лойиҳа ва ишчи ҳужжатларга бўлган асосий талаблар;
- лойиҳа ҳужжатлари қисмларининг таркиби ва мазмунига талаблар;
- лойиҳа ҳужжатлари қисмларини ишлаб чиқувчиларнинг малакасига талаблар;
- лойиҳа ишларини бажариш жадвалини тузиш ва расмийлаштириш тартиби ва қоидалари;
- лойиҳа ҳужжатлари бўлимларини ишлаб чиқувчилар таркиби бўйича таклифларни тайёрлаш тартиби ва қоидалари;
- лойиҳа ва ишчи ҳужжатларнинг бўлимлари ва қисмлари бўйича ишлаб чиқувчилар ўртасида вазифаларни тақсимлаш тартиби ва усуллари;
- лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун субпудратчиларни жалб қилиш тартиби;
- лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун субпудратчиларга техник топширикларни шакллантириш тартиби;
- иш юритиш стандартлари (ҳужжатлар таснифи, расмийлаштириш ва рўйхатга олиш тартиби);
- қурилиш обьектини ахборот моделларининг батафсиллик даражаси;
- лойиҳа ташкилотининг сифат назорати (менеджмент) тизимининг қоидалари ва стандартлари.

**3-§. Қурилиш лойиҳалари учун лойиҳа ва ишчи ҳужжатларнинг ишлаб чиқиши ва чиқаришни назорат қилиш**

**12. Фаолият функциялари:**

- лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш жадвалига, норматив-ҳукукий ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабларига, техник-иктисодий кўрсаткичларга, шунингдек шартнома шартларига мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қилиш;
- лойиҳалаш жараёнида аниқланган камчиликлар бартараф этилишини ташкил қилиш;
- қабул қилинган лойиҳа ечимларни келишиш;

- экспертиза натижаларига кўра лойиҳа хужжатларига тузатишлар киритишни ташкил этиш;
- лойиҳа ва иш хужжатларини келишиш ва қубул қилиш;
- лойиҳа ва иш хужжатларини буюртмачига тақдим этиш;
- ишчи хужжатларининг белгиланган талабларга мувофиқлигини назорат қилиш ва мувофиқлигини тасдиқловчи ёзувини тасдиқлаш;
- янги норматив-хуқуқий ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив хужжатлар қабул қилиниши ёки қурилишнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб лойиҳа ва ишчи хужжатларга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни тайёрлаш;
- муаллифлик назорати юритилишини назорат қилиш;
- қурилиш объектининг ахборот моделини шакллантириш ва юритиш устидан назоратни амалга ошириш.

13. Малака даражасига талаблар:

- қурилиш объекти бўйича қабул қилинган лойиҳа ечимларни таҳлил қилиш ва танлаш;
- лойиҳада илк бор қўлланилган ёки ишлаб чиқилган технологик жараёнлар, асбоб-ускуналар, қурилмалар, конструкциялар, материаллар ва буюмларнинг патент соғлиги ва патентга лаёқатлигини баҳолаш;
- қабул қилинган лойиҳа, шаҳарсозлик, архитектура-режалаштириш ечимларининг техник даражаси ҳамда уларнинг иқтисодий асослилигини назорат қилиш усулларини танлаш;
- лойиҳалаш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоратадбирларни белгилаш;
- лойиҳалаш ишлари мажмуини бажаришда архитектура-режалаштириш, ҳажмий-фазовий ва техник ечимлар ҳамда экологик талабларни умумлаштириш;
- лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиши жадвалига, норматив-хуқуқий ҳамда ва шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив хужжатлар талабларига, техник-иқтисодий кўрсаткичларга, шунингдек шартнома шартларига мувофиқлигини баҳолаш;
- экспертиза натижаларига кўра лойиҳа хужжатларига тузатиш киритиш тартибини белгилаш;
- лойиҳа ва ишчи хужжатларнинг лойиҳалаш топшириғига, техник шартларга, техник регламентлар, стандартлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, бошқа хужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш;
- янги норматив-хуқуқий ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив хужжатлар қабул қилиниши ёки қурилишнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб лойиҳа ва ишчи хужжатларга ўзгартиришлар киритиш заруратини аниқлаш;
- муаллифлик назоратининг юритилиши сифатини баҳолаш;
- қурилиш объектининг ҳаётий цикли мобайнида маҳсус масалаларни ҳал этишда ахборот моделлаштириш технологияларидан фойдаланиш;
- қурилиш объекти ахборот моделининг умумий маълумотлар муҳитига қўйиладиган талабларни белгилаш;

– қурилиш обьекти ахборот моделини шакллантириш ва юритиш учун дастурйи ва техник таъминоти воситаларни танлаш;

– қурилиш обьекти ахборот модели шаклида тақдим этилган лойиха маълумотларини таҳлил қилиш;

– қурилиш обьекти ахборот моделига янгиланган маълумотлар, хужжатлар ва материалларни киритиш заруратини ва тартибини белгилаш.

#### 14. Билим даражасига талаблар:

– норматив-хуқуқий ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив хужжатлар;

– қурилиш соҳасида стандартлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш тизими;

– қурилиш учун лойиха хужжатлари тизими;

– лойиха ва ишчи хужжатларга бўлган асосий талаблар;

– бино ва иншоотлар хавфсизлиги тўғрисида техник регламент талаблари;

– лойиха хужжатларини ишлаб чиқиш жадвалига, норматив-хуқуқий ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив хужжатлар талабларига, шунингдек шартнома шартларига мувофиқ ишлаб чиқилганлигини назорат қилиш тартиби;

– лойиха ва ишчи хужжатларнинг ички сифат назоратини (нормоконтроль) ўтказиш тартиби;

– лойиха хужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби ва қоидалари;

– экспертизаси натижаларига кўра лойиха хужжатларига тузатишлар киритиш тартиби;

– экспертизанинг эътиrozлари асосида лойиха хужжатларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида маълумотномани тайёрлаш ва тасдиқлаш тартиби;

– қабул қилинган лойиха, шаҳарсозлик, архитектура-режалаштириш ечимларининг техник даражаси ҳамда уларнинг иқтисодий асослилигини назорат қилиш усуллари;

– ишчи хужжатларнинг лойиха хужжатларига, лойиҳалаш топшириғига, техник шартларга, техник регламентлар, стандартлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, бошқа хужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилганлигини текшириш тартиби;

– янги норматив-хуқуқий ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив хужжатлар қабул қилиниши ёки қурилишнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб лойиха ва ишчи хужжатларга ўзгартиришлар киритиш тартиби;

– лойиха ташкилотининг сифат назорати (менеджмент) тизимининг қоидалари ва стандартлари;

– лойиҳалаш соҳасидаги маҳсус дастурларда ишлаш принциплари;

– обьектларни қуриш ва қурилиши тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилишда муаллифлик назорати фаолиятини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив хужжатлар талаблари;

– қурилиш обьектининг ахборот моделини шакллантириш ва юритишида дастурйи ва техник таъминоти воситалардан фойдаланиш тамойиллари, алгоритмлари ва стандартлари;

- қурилиш объектини ахборот моделлаштириш мақсадлари, вазифалари ва тамойииллари;
- қурилиш объектини ахборот моделлаштириш бўйича стандартлар ва қоидалар;
- умумий маълумотлар муҳитида қурилиш объектининг ахборот модели устида жамоат бўлиб ишлаш тамойииллари;
- умумий маълумотлар муҳитида ишлаш тамойииллари;
- қурилиш объектининг ахборот моделлари тўғрисида маълумотларини умумий маълумотлар муҳитига жойлаштириш мақсадида текшириш ва оптималлаштириш усуллари;
- қурилиш объектининг ахборот моделлари сифатини текшириш усуллари;
- қурилиш объектининг ахборот моделларини шакллантириш ва юритишда дастурий ммаҳсулотларнинг функционал имкониятлари;
- қурилиш объектининг ахборот моделлари асосида лойиха хужжатларини рамийлаштириш, чоп этиш ва чиқариш.